*Муҳокама учун мавзу*

**Кийиниш миллий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир миллатнинг асрлар оша шаклланган ўзига хос кийиниш маданияти, қадимий анъаналари, ўз услуби бор. Миллий кийимлар миллатнинг ўзига хос белгиларини, хусусиятларини акс эттириши лозим. Ана шу ўзига хослик билан бошқа миллатлар бирбиридан фарқланади. Шундай экан, ўзбекона кийиниш ҳам маънавиятимизнинг муҳим белгиси ҳисобланади.**

# МИЛЛИЙ КИЙИНИШ — ТАРБИЯ АСОСИ

Шарқнинг машҳур алломаси Абу Райҳон Беруний «Минералогия» асарида «Оқил мамнуниятни маънавий ишлардан олади, нодон эса ҳақиқий бойлик нима эканлигини билмай, ўз нигоҳини ер юзидан хилма-хил безаклар ва ялтироқ пардозлар билан безатилган, фақат ҳайвонларнигина қувонтира оладиган томонга қаратади...», деб ёзади. Чиндан ҳам ақлли инсон маънавий комилликни кийинишда намоён этади.

Миллий маданиятимизни замон руҳи билан бойитиш, такомиллаштириш ва келгуси авлодга етказиш биринчи галда ота-оналарнинг, қолаверса, ҳар биримизнинг масъулиятли бурчимиз бўлмоғи зарур. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Хусусан, унда: «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб амалиётда жорий этилади», деб белгилаб қўйилган. Дастурдаги вазифалар ота-оналарнинг оилада болаларни миллий кийинишга одатлантириши билан узвий боғлиқ. Халқимизда тарбия берувчининг ўзи тарбия кўрган бўлиши керак деган гап бор. Зеро, ота-онанинг кийиниши болалар тарбиясига таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Шундай экан, кийинишимиз тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз, бу борада бефарқ, лоқайд бўлмаслигимиз зарур. Бу муаммони ҳал қилишда қуйидаги педагогик талабларга риоя этиш тавсия этилади:

– кийимлар миллий анъаналар, урф-одатлар ва миллий маданиятга мос бўлиши ҳамда уни ифодалаши;

– кийим инсоннинг ёши, гавда тузилиши, йил фасллари, касбига мос, тоза, ихчам бўлиши ёки оила муҳитида миллий кийиниш;

– кийимлар миллий маданият, ахлоқ-одоб талабларига жавоб бериши, яъни баданни кўрсатмайдиган, ялтирамайдиган, ҳаё-иффатни ифодалайдиган, бежирим бўлмоғи даркор.

Ота-оналар оилада бу талабларга асосланиб кийинишга ҳаракат қилсалар, болаларни ҳам мавжуд ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишга ўргатган бўладилар. Шундай қилиб, ота-оналарнинг оилада, маҳаллада ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида дид билан кийиниши болаларни баркамол инсон этиб тарбиялашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу эса ёшларда миллий ғоя, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллатидан фахрланиш, аждодларга содиқлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтиради.

Энг муҳими, уларда миллий маданиятга қизиқиш, уни эъзозлаш ва давом эттириш билан боғлиқ хоҳишни ривожлантиради.

**Абдулаҳат УСАНОВ,**
**СамДУ ўқитувчиси**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## БИЛАСИЗМИ?

***Пахтадан бир тонна тола олиш учун бутун кун бўйи 238 киши ишлайди. Ёғоч чиқиндиларидан олинадиган бир тонна вискоза толаси ишлаб чиқариш учун эса бир кунда 70 киши банд бўлади, холос.***

* * *

***Шундай енгил сунъий толалар борки, улардан сув 100 марта оғирдир. Бундай толадан қилинган пўстин атиги 150 грамм келади.***

## КИМЁ МЎЪЖИЗАСИ

Инерт газларнинг ўз номи ўзи билан. Бу газлар кимёвий реакцияга киришмайди. Уларнинг реакцияга киришмаслиги мактаб ўқувчиларига ҳам яхши маълум. Ҳолбуки, ундай эмас экан. Ҳозирда кўпгина мамлакат олимлари инерт газларнинг бирикмалар ҳосил қилишини аниқладилар.

Бу бирикмалар асло фойдасиз эмас экан. Масалан, ксеноннинг фторли бирикмаларидан ракета двигателларида ёнилғининг таркибий қисми (оксидловчи) сифатида фойдаланиш мумкин.

* * *

Суюқ ҳолдаги кремнийорганик бирикмаларни улар ҳажмининг 15-20 фоизигача чиқиштириш мумкин. Бунда суюқлик молекулалари бирлашиб, ўз хусусиятларини ўзгартиради. Бошқачасига айтганда, суюқ «пружина» ҳосил бўлади. Бундай пружиналардан машина ва электровозларнинг ресорлари ясалса, улар металл пружиналардек равон ва бетўхтов ишлайди.

## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Ўсимлик танасининг муҳим таркибий қисми ишқорсимон органик бирикмадир, бошқачасига айтганда, алкалоидлардир.

Алкалоидларнинг кашф этилиши тарихи ажойиб. XIX асрнинг бошларида немис аптекачиси Сертнарнер деган киши кўкнори ширасини оҳак билан ишлаб, ундан соф кристалл бирикма ажратиб олди.

Бемор танасига бу бирикмадан юборилганда у тинчланиб, қаттиқ уйқуга кетади. Шунга асосан бирикмага афсонавий уйқу худоси Морфенинг номи берилди. Бошқача қилиб айтганда бу модда Морфин деб атала бошлади.

Морфин ишқорсимон бўлгани учун алкалоид деб аталади. Бу сўз арабча бўлиб, алкали - ишқор, лонд эса симон, ўхшаш деган маънони англатади.

*Евро — 2004*

**Ашаддий футбол ишқибозларининг куни туғди. Бугун Португалияда кўпдан буён орзиқиб кутилаётган Европа чемпионати бошланади. Нуфузи жиҳатидан Жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турадиган бу ажойиб футбол спектакли, таъбир жоиз бўлса, 31 парда (31 та ўйин кўзда тутилаётир)дан иборат. Ва табиийки, драматик ҳолатларга бой томоша саҳнадан-саҳнага томон қизиқарли тус олиши кутилмоқда.**

# МАЙДОНДА — ЮЛДУЗЛАР

Эътироф этиш лозим. Гарчанд энг кучли индивидуал маҳорат соҳиблари Лотин Америкасида туғилиб ўсса-да, чиройли футбол барибир Европада намойиш этилади. Бунинг сабаби оддий. Кўҳна қитъа клубларида дунёнинг энг сара чарм тўп усталари ўйнайди. Доимий қон алмашинуви ўз самарасини бериб, бугун Европада ҳам кўплаб истеъдодли футболчилар етишиб чиқди. Зайниддин Зиданнинг бир ўзи оламга татийди. Луиш Фигу, Раул Гансалес, Дэвид Бекхем, Оливер Канн... Уларнинг номини истаганча давом эттириш мумкин.

Тўпурарликка даъвогар ҳам талайгина: Тиерри Анри (Франция), Майкл Оуэн (Англия), Рууд ван Нистелрой (Голландия), Педру Паулета (Португалия), Кристиан Виери (Италия), Павел Недвед (Чехия)...

Хуллас, ҳеч бир ўйин зерикарли бўлмаслиги тайин. Башоратлар эса истаганча: кимдир Франция қитъа чемпионлигини сақлаб қолади деса, кимдир омад Италияга кулиб боқади, дейди. Яна кимлар Чехия, Англия, Голландияни тилга олади.

Майдон эгалари Португалияга ишонч билдираётган мухлислар ҳам анчагина. Ҳар ҳолда аввалгилари каби ушбу чемпионат ҳам футбол ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшиши, шубҳасиз. Чунки юлдуз қанчалик баландда бўлса, ёруғи ҳам шу қадар ёрқин бўлади.

## Танишинг, чемпионат тақвими:

**«А» гуруҳи: Португалия, Испания, Россия, Греция.**
12 июн
Португалия – Греция
Испания – Россия

16 июн
Греция – Испания
Россия – Португалия

20 июн
Испания – Португалия
Россия – Греция

**«В» гуруҳи: Франция, Англия, Хорватия, Швейцария**
13 июн
Швейцария – Хорватия
Франция – Англия

17 июн
Англия – Швейцария
Хорватия – Франция

21 июн
Хорватия – Англия
Швейцария – Франция

**«С» гуруҳи: Италия, Дания, Швеция, Болгария**
14 июн
Дания – Италия
Швеция – Болгария

18 июн
Болгария – Дания
Италия – Швеция

22 июн
Италия – Болгария
Дания – Швеция

**«D» гуруҳи: Германия, Голландия, Чехия, Латвия**
15 июн
Германия – Голландия
Чехия – Латвия

19 июн
Латвия – Германия
Голландия – Чехия

23 июн
Голландия – Латвия
Германия – Чехия

**1/4 финал:**
25. 24 июн
A1........... – B2..............

26. 25 июн
B1........... – A2..............

27. 26 июн
C1........... – D2..............

28. 27 июн
D1........... – C2..............

**1/2 финал:**
29. 30 июн
25........... – 27..........

30. 1 июл
26........... – 28..........

**Финал:**
4 июл
..............., – ...................

*Турфа олам*

## БОББИНИНГ ҲИММАТИ

Бу жўжалар тухумдан чиқиши билан кутилмаганда, оналари нобуд бўлди. Жўжаларнинг етим қолганидан хабар топган бир италян фермерининг Бобби деган ити уларни ўз қарамоғига олиб, парвариш қила бошлади.

Қаранг-а, етимларнинг бошини силаш одамзодгагина эмас, ҳатто ҳайвонларга ҳам хос хусусият экан.

## ТОЛАСИ ИПАКДАН

Ҳаммага маълумки, ананас ширин ва хушбўйлиги билан машҳурдир. Бунга яна унинг бошқа фазилати ҳам қўшилди.

Гап шундаки, унинг баргидан жуда пишиқ ва толаси шойиникига қараганда тўрт маротаба ингичка бўлган тола олиш мумкин экан. Япония фирмаси ананас баргидан олинган толадан мато яратиш технологиясини ишлаб чиқди.

Бунинг учун ананас барги махсус мойга ботириб олинади. Тайёрланган бу кўркам маҳсулот тағига «бу толадан тайёрланган мато ҳамма машҳур матолардан ҳам юпқа ва жуда пишиқ» деб ёзиб қўйилади.

## ЭНГ САЛОБАТЛИ ЭРКАК

Шарқий Осиёда ким бой, обрўли ва кучли бўлса, шу кишининг қорни катта бўлади, дейишади. Қорин қўйиш бу ерда айб эмас, аксинча қорни йўқ эркак салобати йўқ деб ҳисобланади.

Малайзиянинг Перанг штатидаги Муҳаммад Аванг энг салобатли эркак ҳисобланади. Унинг бел айланаси 137 сантиметр бўлиб, мусобақада олтита рақиби устидан ғалаба қозонди.

## АНИҚ ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ИБОДАТХОНА

Қадимги Мисрда коҳинлар ибодат вақтида физика, кимё, механика ва математикадан ҳам фойдаланишган. Чунончи, ўзини қуёш худосига тенглаштирувчи фиръавн Рамзес II ҳар йили 21 октябрда тахтга ўтирган куни ибодатхонада қисқа муддатли ибодат қилиниб, қўшиқ айтилар ва тутатқи чекиларди.

Бетоқатликда ўтирган кишилар муқаддас сеҳр-жодудан дарак берувчи овозни эшитганлари ҳамоно қуёш худосининг ҳайкалига қарашарди.

Гап шундаки, бир қатор турган тўрт ҳайкалдан бири - қуёш худосининг ҳайкалига нур тушиб, уни муайян вақт ёритиб турарди.

Ибодатхона қурилишини лойиҳалаштиришда меъморлар олиб борган аниқ ҳисоб-китобларнинг натижаси бу. Шуниси ҳайратланарлики, бир йилда атиги бир марта - 21 октябр кунигина қуёш нури тоғ оралаб ўтиб, ибодатхона дарвозаси узра қуёш худосининг ҳайкалини ёритади.

**А.АЛИЕВ**





Рассом: А.ҲАКИМОВ

*Сўнгги пушаймон*

**Нигора ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон. У қариндош-уруғлари, фарзандлари олдида бош кўтаролмай қолди. Нафс аталмиш ўпқон уни йўлдан оздириб, ўз домига тортиб кетди. Аёллик шаънини ерга уриб, камоқ панжарасига тиқди. Хўш, унинг бу куйга тушишига нималар ва кимлар сабаб бўлди?**

# БАХТ ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

Нигора бунга аниқ жавоб беролмайди. Аёлнинг бундай аянчли қисматига рўзғорни эплолмаган бўшбаёв эр айбдорми? Ёки осон пул топиш кўчасига етаклаган дугонаси Сарвинозми? Лекин энг асосийси шуки, у борига қаноат қилишни билмади.

– Эрим ва тўрт фарзандим билан бирга бировдан кам, бировдан зиёд яшардик, – дейди аёл надомат билан. – Ўзим ҳамшира, эрим ҳайдовчи бўлиб ишларди. Амаллаб кунимиз ўтиб турарди.

– Ҳой эр, болаларимиз улғайиб боришяпти буларни уйлаш-жойлаш керак, дея жаврардим. Аммо эр «миқ» этса қани? Бўлмаса ҳайдовчилик ҳам ёмон касб эмас, астойдил ҳаракат қилиб рўзғорни бут қилиб қўйган ҳайдовчилар камми? Хуллас, эримни ҳеч йўлга сололмадим...

Шундай кунларнинг бирида уйимизга ёшликдаги дугонам Сарвиноз келиб: – Дугонажон, нима бўлди сенга? Қорангни кўрсатай демайсан? Биз тўрт-беш аёл биргалашиб гап ўйнаймиз. Сен ҳам даврамизга қўшилсанг бўларди, – деб қолди. Мен унга бундай давраларга қўшилолмаслигим сабабларини тушунтирдим.

– Топганимиз рўзғордан ортмаяпти. Гап-гаштакка пулни қаёқдан оламан, – дедим.

– Шунга ҳам қайғуриб ўтирибсанми? Ҳамширaликнинг баҳридан ўт. Ўзим сенга сармоядан қарашиб юбораман. Ургут бозорига қатнаймиз. Молни кўтарасига харид қилиб, майдалаб сотамиз. Қарабсанки, тез орада пичоғинг мой устида бўлади.

Мен ҳеч ўйланиб ўтирмай дугонамнинг таклифига рози бўлдим. Арзимаган маош билан қачонгача кун кечирамиз, ахир?

Нигора таниш-билишлардан, қариндошлардан, қолаверса, дугонаси Сарвиноздан қарз кўтарди.

Шундай қилиб, Нигора ишбилармон дугонаси билан сайру-саёҳатларни бошлаб юборди. Тез орада олган қарзларидан қутулиб, рўзғорига ҳам барака кирди.

Рўзғор бут бўлишга бўлдику-я, аммо у кундан кунга ўзининг аёллик латофатини йўқота бошлади. Эр ва болалари ҳам Нигорадан узоқлашиб, бегоналашиб қолаётгандек эди гўё.

Аммо у пул топишга шунчалик берилиб кетдики, ҳаром билан ҳалолни, гуноҳ билан савобни буткул ёдидан чиқарди. Шундай кунларнинг бирида Нигора бир киши билан танишиб қолди. Исми Рустамбек...

– Янга, бу савдо-сотиғингиз билан бирингизни икки қиламан дегунча, қаддингиз букилади. Пул топишнинг бундан осон ва қулай йўллари ҳам бисёр. Агар айтганимга кўнсангиз, бир йилда топган даромадингизни бир кунда топасиз. Гарантия бераман! Хўп десангиз, мен сизни бир оғайним билан учраштираман. Ишингиз юришиб кетса, белингизни оғритмасдан «кўк»идан жарақ-жарақ санаб оласиз.

Нигора айтилган иш нима эканлигини тахминан биларди, шундай бўлса-да, шайтоний нафснинг қутқусига учиб, Рустамнинг оғайниси билан учрашишга рози бўлди. Ўзини Шокир деб таништирган йигит дарров мақсадга кўча қолди.

– Мана бу халтага солинган нарсани фалон манзилга элтасиз, – деди у. – Агар иш хамирдан қил суғургандай битса, «кўк»идан тўрт минг оласиз. Ишимиз юришиб кетса, кейинги сафарги даромад бундан ҳам каттароқ бўлади.

Нигора нафснинг гапига кириб оғуфурушларнинг таклифига рози бўлди. Молни айтган жойга етказса, ваъда қилинган пуллар кўзини кўр, онгини карахт қилар эди.

У юкни олиб манзилга жўнади. «Ҳа, Нигорабону! Энди тезда бойиб кетасан. Қандингни ур, бу ёғига омадинг юришиб кетса, данғиллама қаср қурасан, машинанинг ҳам додаси сенда бўлади», – дея йўлда ширин орзу қилиб кетарди. Аммо...

Автобусни назорат постида тўхтатишди. Текширув бошланган ҳамон ҳамма орзулари бамисоли пуфакдек ёрилиб кетганини сезди. Афсус-надоматлардан энди фойда йўқ эди. Пул топиш илинжи ширин оилавий бахтига, хотиржам ҳаётига раҳна солиб бўлганди.

**Ш.ПАРПИЕВ**

*Бу-қизиқ!*

## ҚАДИМИЙ ҚИШЛОҚ

Шеробод қишлоғи Янгиариқ туманида жойлашган бўлиб, ўз тарихига эга. Бу қишлоқда яшовчи кишилар бу номни қуйидагича талқин қилишади.

Қишлоқда Шер ёки Шермат исмли бой бўлган. У қишлоққа сув келтирган, деҳқончилик қилиб, бу жойни обод қилган. Шу боисдан қишлоқ Шеробод деб юритилади.

Аммо маҳаллий халқ тилида Шеробод сўзи Шоробод, Шоровот шаклларида қўлланилади. Шундай экан, бу номнинг иккинчи қисми «обод» эмас «равод» (ёки работ) бўлиши керак. «Работ» сўзи қадимги тилларда кўп учрайди. Олимларнинг ёзишларича, «работ» сўзининг қадимда қишлоқ, карвонсарой, турар-жой, қоровуллар учун махсус ясалган истеҳком, савдо йўлларидаги бекат каби маънолари мавжуд.

Шундай қилиб бу қишлоқ номи икки сўздан ташкил топган: шо(ҳ)+работ. Маълумки, «Шо» сўзи подшоҳ маъносидан ташқари, катта, асосий, бош сингари маъноларда ҳам қўлланилади.

Демак, «Шеробод» сўзи аслида «Шоработ» бўлиб, бош бекат, катта карвонсарой маъносини англатади.

**Ш.ҚОСИМОВ**

# Ним табассум

**Дўконга бир йигит билан қиз киради:**

**– Гўштли сомса борми? – сўрайди йигит.**

**– Бор.**

**– Гуручли сомсачи?**

**– Бор.**

**– Нўхатли сомсачи?**

**– Бор.**

**– Вермишелли сомса борми?**

**– Йўқ.**

**Йигит қизга:**

**– Ана кўрдингми? Сомса йўқ экан.**

* * *

Бир одам врачга дебди:

– Хотиним оғир ётибди. Ёрдам беринг, доктор.

– Зулук бериб кўрмадингизми?

– Бериб кўрдим, доктор. Учтасини еди. Қолганини емайман, деб оёқ тираб олди.

* * *

**Икки дугона учрашиб қолибди:**

**– Биласанми, тушлик яхши бўлса, эрим овқатдан кейин сигарета чекади.**

**– Қўявер, йилда бир марта чекса, зарари йўқ.**

* * *

Эр туғруқхонага қўнғироқ қилса, «хотинингиз туғолмай қазо қилди» дейишибди. Эр туғруқхонага етиб келибди. Ҳамшира ундан узр сўрабди.

– Кечирасиз, биздан хато ўтибди. Хотинингиз эгизак туғди.

– Бунақаси кетмайди! Бир сўзда туринг-да. Ўлдими, бўлди.

* * *

**Уй бекаси оқсоч ёллаяпти.**

**– Айтинг-чи, азизам, тўтиқушга ҳушингиз борми?**

**– Ташвиш қилманг, хоним, мен нима бўлса еявераман.**

* * *

Иккита эркак суҳбатлашаяпти.

– Курортда дам олишга нима етсин. Вокзалда поезддан тушишинг ҳамоно сени гулдаста тутиб, кутиб олишади, зўр машинага ўтказишади, энг яхши меҳмонхонага олиб боришади, энг яхши хонага жойлаштиришади, ваннада ювиниб олганингдан кейин, ресторанга олиб боришади, еб-ичасан, танца тушасан, кейин хонага келасан, келсанг ўринлар тўшалган, кечаси билан ҳузур қилиб чиқасан...

– Сен курортда бўлганмисан?

– Йўқ.

– Қаёқдан биласан, бўлмаса?

– Хотиним айтиб берган.

* * *

**Доктор беморга:**

**– Сиз учун менда иккита гап бор: ёмондан бошлайлик – биз билмай соғ оёғингизни кесиб ташлабмиз.**

**– Ажаб!**

**– Яхши гап ҳам бор – касал оёғингизни даволаса бўлади.**

* * *

Бир одам овчи дўстиникига борибди, қараса, ерда йўлбарснинг териси. Йўлбарс оғзини каррақдай очиб ётганмиш.

– Сен унга неча марта ўқ уздинг?

– Ўн марта.

– Нечтаси тегди?

– Биронтаси ҳам теккани йўқ.

– Нимадан ўлди, бўлмаса?

– Кулгидан...

ISHONCH

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.05

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 16184 Буюртма Г— 717 12345